

БАГИШЛОВ (I) - бадий ёки илмий асар аввалида унинг кимга ёки қандай воқеага багишланганлигини ифодаловчи ёзув, дебоча. Масалан: шоир Б.Бойқобилов ўзининг «Хайратул ахрор» достонини «Мазкур асарни Ҳазрати Ҳожа Носириддин Убайдуллоҳ ал-Шоший (Ҳожа Ахрори Валий)нинг табаррук авлоди бўлмиш азиз фарзандларим - Шахлоҳон, Фарруҳхон, Нигинаҳон ва ул каро қўзларнинг волидаи мухтарамалари, фақирнинг рафикаи меҳрибони Сурайёҳон бинт Султонхон ибн Тўраҳон эшон кизларига қамоли эҳтиром ила багишлайман. Муаллиф», деган багишлов билан бошлайди; ёзувчи Э.Аъзамов эса, «Ёзувчи» хикояси бошида қуйидаги багишловни келтиради: «Шукур ака ҳам боғини яхши қўрарди... Ушбу камтарона машқимни хикоячилигимизнинг пири - раҳматли Шукур Холмирзаев хотирасига багишладим. Рози бўлсин. Муаллиф». Қўринадики, бу хил багишловларда тилга олинган шахс ёки шахслар асар мазмуни билан ҳеч қандай муносабат-алоқага эга бўлмайди.